



## XIX-XX АСР МОБАЙНИДА ЎЗБЕК АЁЛЛАРНИНГ УСТКИ ВА БОШ КИЙИМЛАРИ БЕЗАКЛАРИ. УМУМИЙ ЖИҲАТЛАР ВА ТАФОВУТЛАР

---

***Ю. Гайбуллаева***

*Тошкент шаҳрида Вебстер университети*

**Аннотация:** Қадимдан аёллар кийими аёлнинг шахсий диidi, имкониятлари, нима мақсадга хизмат қилиши, маҳаллий анъаналарга кўра қандайдир безак билан зийнатланарди. Безаклар ниҳоятда ранг-баранг. Либосларни жияк, олд кашта, кўкрак кашта, либос матосининг ўзига кашта тикиш, машинада каштасимон чок тикиш орқали безатиш кўп тарқалган ва одатий усуллардан бўлган.

**Калит сузлар:** узбек, кийим, безак, аёллар

Содда ўрилган ва тўқилган *шероз*, *жияк*, *чалма* тасма, уқа, жияклар бутун Ўзбекистонда ҳаммабоп ва кенг тарқалган либос безаклари ҳисобланган. Жияк тайёрлаш усули ва безагига кўра содда бўлган ва узунлиги тахминан ёқа йирмочи узунлигига тўғри келадиган иккита энсиз (1-2 см) текис ёки нақшли йўлакчадан иборат бўлган. Ўрма жияк қўлда ёки оддий дастгоҳда ўрилган. Тўқима жияк тўқилаётган пайтда ё арқоқ ипи билан маҳкамланган ёки тайёр ҳолатда тикилган. Тўқима жияк фақат тайёр ҳолатда тикиларди. Кейинчалик тикма жияк пайдо бўлди. У хочсимон, занжирсимон чок ёки курчик билан тўқилган. 2-2,5 см энликдаги икки тор йўлакдан иборат бўлган, улар турмушга чиқсан аёллар либосининг тик йирмочи бўйлаб охиригача ва қизлар либосининг бўйлама йирмочига тикилган. Ёқасида тик йирмочли аёллар либоси учун мўлжалланган узунлиги 80-100 см ва эни 4-5 см икки йўлак кўринишидаги кенг ва узун тикма жияк ҳам мавжуд бўлган. Тасма ёқа четига тикилган, йирмоч асоси бирлаштирилган ва деярли этаккача туширилган. Бундай кенг ва узун тикма тасма *пешкурта* деб аталган. *Пешкурта* Бухоро либослари учун хос бўлган, мураккаб нақш чатишмаси ёки хочсимон усулда ишланган. Тўқима ёки тикма пешкурта Фарғонада ишлаб чиқилган.

Бўйлама ёқа йирмочи билан ёпишиб турадиган бичимли қизлар кўйлаги кўкракпеч – *шоинак* билан безатилган. Улар *сияхдўзи* чоки билан тикилди ва 30-32x40-45 см хажмидаги матонинг тўртбурчак бўлагидан иборат бўлди. Шоинакнинг усти ёқа йирмочига қараб безатилади, пасти кўпинча кесма



учбурчак шаклида тикилди. Бундай пешкурта ва шоинак XIX аср охирида мавжуд бўлди ва XX асрнинг биринчи ярмида ҳам истеъмолда бўлди.

Шоинакни тикма пешкуртадан ташқари либосларнинг ўзини ҳам кашта билан безаганлар. Гарчи қадимги намуналари бўлса-да, гул тикилган либослар кўпроқ совет даврига тўғри келади. Гул тикиш қисман текис юзада ва қисман дока рўмолларни тикиш учун қўлланган тўрсимон тўқима гул усулида амалга оширилган. Ёқасида тик йирмочи бўлган баъзи либосларда гул тикиш 7 см тасма кўринишида кенг хоч сарали усули билан амалга оширилган ва ёнларидан ҳошияланган, пастдаги ёқа йирмочи бироз пешкуртани эслатади. Нақш рангли квадрат ва бошқа унчалик мураккаб бўлмаган шакллардан иборат. Ёқаси бўйлама йирмочли қизлар либосида хочсимон ёқа ва елкага келиб уланувчи бурчаги пастга туширилган катта учбурчакда жамланган. Уларнинг нақши келиб чиқишига кўра ниҳоятда қадимийдир. Кўпроқ фабрикада ишлаб чиқарилган текис оқ, қизил, тўқ қизил пахта матоларидан тикилган либосларда гул тикиш *гулдўзи* усули билан амалга оширилган. Қадимги маълумотларга кўра фабрикада ишлаб чиқарилган матолар кенг қўлланилган бу чок 1920-йилларда пайдо бўлди. Бунгача эскича *сияхдўзи* чоки билан тикилар эди. *Карбосдан* тикилган либослар каби фабрикада тўқилган матолардан тикилган турмушга чиқсан аёллар либосларида узунасига тик йирмоч бўйлаб туширилиши ва қизлар либосининг кўкрак қисмини у билан тўлатилиши каштанинг қадими нусҳаси ҳисобланади. Енг учларига ҳам кашта тикилган. XX асрда тўйларга деярли доим олдига ёппасига кашта тикилган кўйлак тайёрланарди. Тик йирмочли, тик ёки қайтарма ёқали узун кўйлаклар олдига ҳам тўла кашта тикилган. Каштага ўсимлик нақшлари хос хусусият бўлган эди, уларда доира тупбарггул шакли ажралиб турарди, улар хажми ва ички ишланмасига (тўрсимон, яхлит) кўра турлича бўларди. Барг шаклидаги нақшлар ҳам ниҳоятда кенг қўлланарди. Бухорода байрам кўйлакларининг олди, этаги ваenglari кашта билан безатилган. Бухоро, Самарқанд, Панжикент, Ўратепа сўзаналарига туширилган кашталар учун доира тўпбарггул шаклидаги безак хос бўлган. Либосларнинг нафақат олди ва ён пешлари, балки орқа томонига ҳам кашта тикилган, бунда фақат соч тушиб турадиган жой бўш қолган.

1959 йили Тарих музейи XX асрнинг 1-ярмида<sup>1</sup> оч пушти рангли фабрикада нақш тикилган пишиқ чивиқли газламадан тикув машинасида

<sup>1</sup> ЭФ ГМИУЗ АН РУз. Инв. № 4076. Колл. 22-244.



тайёрланган бухороча қизлар кўйлагини сотиб олди. Матога йирик гулли ўсимлик нақшлари туширилган. Бичими кўкрак бурмали, қайтарма ёқали. Кўкракбурма юбка билан бурма ҳошия орқали бирлаштирилган. Енглар тўғри, узун, пастига қараб торайиб боради. Ёнлари, этаги, кўкрак, ёқа ва енглар четига зар тикилган. Кашта композицияси чизиқли, ўсимлик нақшли. Кашта четлари чок машинада шойи ип билан тикиб чиқилган, нақшлар ўртаси алоҳида *пат* чоки билан тўлатилган. Либоснинг қадама енги, ёқа ва этак четларига ингичка ҳошия тикиб чиқилган. Умумий узунлиги 94 см, енглар узунлиги 48,5 см, кўкракбурма узунлиги 21 см, юбка 73 см. Либос бир хилдаги зар чоклар билан уччалик такомиллашмаган усулда тикилганлиги ажратиб туради, бир-бири билан уйғунлашмаган безакларни кўплиги дидни пастлиги, “европача” мода ортидан қувилганлигидан дарак беради.

Зардўзи матосидан зардўзи-заминдўзи усули билан тикилган бухороча *калтача*<sup>2</sup> ниҳоятда безакдор. Зар фонга кумушранг ўсимлик безаги тикилган. Безак гул, барг ва йирик лента безакли шохдан иборат. Тасвир чети бўйлаб ислими нақши билан ингичкароқ зардўзи юритиб чиқилган. Четларига (ёқа, йирмоч ва енг қайтармаси этакларига) тўқ қизил ипак иплардан тўқилган *чалма зех* жияги тикилган, нақшлари оқ ва яшил рангда; четларида ёрқин мовий ва қизил энсиз ҳошия бор. *Чалма зех* эни 3 см. Астари қўк ва пушти безакли ёрқин сариқ рангдаги абрли бухороча шойидан. Халатнинг ичкари томон четига қимматбаҳо, чиройли парчадан *парвуз* тикилган. *Парвуз* эни ҳар хил. Бичими анъанавий: бели тўғри, эни 30 см; устидан тор ҳошия тикилган (7 см); олд кўкракбурма икки қулфакдан иборат Халатнинг олди очик. Ён томонлари иккита қулфакдан иборат. Ён томонлари қўлтиғи чуқур бурмаларга йигилган. Ёнларида безакдор попуклар билан якунланадиган йирмочлар (16 см) бор. Енглар тўғри, ниҳоятда кенг тикилган, орқа билан чокида енг кенглиги 80 см гача етади. Умумий узунлиги 135 см, енг узунлиги 72 см, енг қайтармаси эни 44 см.

1959 йили Пскентлик Р. Райимқуловадан паранжи сотиб олинди, у ҳозирда ЎзР ФА ЎзДСМ этнографик фондидаги сақланмоқда.<sup>3</sup> Р. Райимқулованинг маълумотига кўра, паранжини унинг онаси сеп сифатида тўйида тикиб берган экан. *Паранжи* сариқ босма баҳмалдан тикилган. Четларига геометрик нақшли тўқима қора жияк тикиб чиқилган ва *муаишчан* ва уш турча оқ-сафсар нақшли тикма ҳошия, шунингдек қийшиқ ингичка қаторли

<sup>2</sup> ЭФ ГМИУз АН РУз. Инв. № 1444/35. Колл. 22-39.

<sup>3</sup> ЭФ ГМИУз АН РУз. Инв. № Э 4082. Колл. 89-15.



барглар билан безатилаган, уларнинг орасига қора ипак билан бодом нақши туширилган. Паранжининг юқори қисми ва ўнг, чап кўқраклари ики қатор жияк билан безатилган, этагига арксимон шаклда қора ип билан кашта тикилган. Ёлғон енглар учига П шаклдаги жияк тикилган. Енглар измага қадалган оқ тугма билан бирлаштирилган. Астари рангли адрес бўлаклари ва гулдор пахта матодан тикилган. Кўқрак қисми четларига пахта матосидан иккита лента тикиб қўйилган. Чок қўлда тикилган, ёқа 9 қатор қилиб машинада чокланган. Ён чўнтаклари ҳам жияк ва кашта билан ниҳоятда безатилган. Умумий узунлиги 132 см, этак кенглиги 188 см, енглар узунлиги 132 см.

ЎзР ФА ЎзДСМ яна бир *паранжини* 1966 йили тошкентлик Назархоновдан сотиб олди.<sup>4</sup> Паранжи 1920-йиллари ярим шойи *банорасдан* тикилган. Астари турли рангдаги шойидан тикилган, ўртаси фабрикада ишлаб чиқарилган катак *канавиздан*, четлари қўлда тўқилган дуруя ярим шойисидан. Бичими узун ва тўғри. *Паранжи* матоси 150 см узунликда яхлит. Ёнлари мато бўлаклари билан кенгайтирилган. Четларига 3,5 см энликдаги сафсар жияк икки қатор қилиб ҳошиясига зулук нақш қора ип билан тикилган. Кўқракда ана шундай жияк ва кашта билан иккита олти бурчакли медальон безатилган. Ёқа ва ёпинчиқ қисмига ҳам бинафша рангли икки қатор жияк тикилган, уларнинг орасига оқ шойидан тўқилган ингичка уқа жойлаштирилган. Умумий узунлиги 150 см, енг узунлиги 120 см, этаги кенглиги 236 см, орқа эни 31 см, енглар эни юқориси 20 см, пасти 8 см.

1968 йили ЎзР ФА ЎзДСМ илмий ходими М.Х.Султонов Тошкент вилояти Ўрта Чирчик тумани Қорахитой қишлоғидан уйда тўқилган матодан *елакча* олиб келди.<sup>5</sup> *Елакчани* шу қишлоқда яшаган Зулфи опа қизи учун тиккан экан, ундан невараси Ш.Нуралиевага қолган экан. Унинг ёқаси кўк, қизил ва жигарранг нақшлар билан безатилган. Енглари ва олдига бештадан гулли гултувак тикилган. Кашталар *терма* усулида тикилган. Этаккача бўлган четларига қора жияк тикилган, ундан кейин майда гул *вазонларидан* иборат каштали ҳошия кетади. Орқасига *шахматгул* безакли яхлит бир бетлама кашта тикилган. “Берилган баҳт чексиз давом этиши учун” *елакчанинг* пастки қисми чокланмаган, лекин кашталанган. *Елакча* келинларнинг тўй кунидан бошлаб биринчи бола туғилгунинг қадар либосининг зарурий таркибий қисми бўлган. 1960-йилларга келиб *елакча* кам учрайдиган бўлиб қолди. Тўй кунида уни кимдандир олиб туриларди.

<sup>4</sup> ЭФ ГМИУЗ АН РУз. Инв. № 4586. Колл. 74-54.

<sup>5</sup> ЭФ ГМИУЗ АН РУз. Инв. № Э 4107/26. Колл. 98-26.



Дўппиларни безаш учун жияқдан фойдаланилди. У турли энда бўларди, кўпинча дўппининг бутун чети эни хажмида тикиб қўйиларди. Баъзан дўппининг жияқ устидаги чети маржон ва нозик билан безатиларди, унинг четига яна оқ матодан ярим доира фистонлар тикиб қўйиларди. Кўпинча аёлларда дўппи тайёрлашда фойдаланиладиган жияқ нақшлари намуналари бўлган мато бўлаклари қўринишидаги альбомлари бўларди, улар қатор йиллар давомида тузиларди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- 1) Содиева Н. // Ўзбек аёлларининг миллий кийимлари. 2007, Б. 98
- 2) Зуфарова З. Чевар. // Ўзбекистон хотин-қизлари. 1957, № 1. Б. 10
- 3) Кийина билиш ҳам санъат. // Ўзбекистон хотин-қизлари. 1966, № 1. Б. 26.
- 4) Комилова М. Ярашганини кияйлик. // Ўзбекистон хотин-қизлари. 1954, № 9. Б. 23.
- 5) Ашрафий М. Ўрта Осиёда ўрта асрлардаги либослар: тараққиёт босқичлари (VII – XVII асрлар) // San’at. 2001. № 3. – 18-бет;